

## Газ қуйиш шохобчаси: хизмат тури қачон рақамлашади?

Хаво салгина совуши билан автомобилларга газ қуйиш шохобчаларида турнақатор навбат юзага келмоқда. 4-с.

## Жамоат ҳаракати электрон кузатувда бўлади

259 та маҳаллада янги, замонавий электрон кузатув масканлари фаолияти йўлга қўйилди. 6-с.

## Аёлни ардоқланг, ҳеч азоб берманг...



Оилавий зўравонликда нафақат аёл жабр кўради, балки оиланинг барча аъзолари "иккинчи даражали жабрланувчи"га айланади. 8-с.

# Маҳалла

№14 | 2024 йил 29 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

## БИЗГА ЁЗИШМОҚДА...

**Хурматли муштарийлар!**  
Сиз билан ҳамфикр бўлиш, сизни ўйлантираётган саволларга жавоб топишда кўмаклашиш мақсадида "t.me/uzmahallabot" боти ташкил қилинган. Мазкур бот орқали келаётган муносабатларни эътиборингизга ҳавол этамиз.

### "СОБИҚ РАИСЛАР МАКТАБГА БИРИКТИРИЛСА..."

Тўлқин Файзуллаев исми фойдаланувчимиз ёзди:  
"Маҳалла раислари ўз лавозимда 3-5 ва ундан ортиқ йиллар давомида ишлаши мумкин. Иш даврида улар ҳар хил одамларга дуч келишади, улар билан педагогик даражада муносабатда бўлишади. Яъни раисларда болалар, турли ёшдаги инсонлар билан мулоқот қилиш тажрибаси юқори бўлади. Бу хислат ёшларни тарбиялашда, ўқитишда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун маҳалла раиси ўз лавозим муддатини ўтаб бўлгач, мутахассислик даражасидан келиб чиқиб, мактабларда дарс берса... Яна бир жиҳат: ишдан бўшаган айрим раислар иш тополмай сарсон юрган ҳолатлар бор. Бунни кўрган ёш авлод вакиллари эртага ўқишга, изланишга, раҳбар бўлишга қизиқмай қолиши мумкин..."

### "СОЛИҚ ТУШИРМАСАК, ИШЛАМАГАН БЎЛАМИЗ"

Навбатдаги мурожаат Тошлоқ туманидаги "Қуйи Яккатут" маҳалласидан келиб тушган:  
"Биз, маҳалла ходимлари Президент белгилаб берган вазифалар, мажбуриятларни ўз вақтида бажара олмаётимиз. Сабаби, ҳозир фақат биздан солиқ тушуми ҳақида сўралмоқда. Иш кунни бўладими, дам олиш куними, фақат шу мавзу долзарб. Агар кимда-ким солиқ тушумини туширмаса, ўша маҳалла раиси ишламаган ҳисобланади. Одамларда ҳозир пул йўқ. Қонун бўйича солиқ тўлашининг аниқ муддатлари, солиқ турлари белгилаб қўйилган-ку, нега биз овера бўлишимиз керак?"

### "НЕГА РАИСЛАР МАСЪУЛИЯТДАН ҚОЧЯПТИ?"

Кейинги мурожаатда шундай дейилади:  
"Ҳозирда кўпчилик раислар янги штат — ижтимоий ходим лавозимига ариза топшириб, шу лавозимга ўтиб кетяпти. Улар раисликни шунчалик арзон алмаштирмоқда. Наҳотки, Президентнинг шунча эътибори улarga қамлик қилса... Биз ишониб сайлаган раислар осонгина масъулиятдан қочиб қолса, эссиз, бундай раисларга "маҳаллани отаси" деган ишонч, ном..."

### "ҲЕЧ КИМ БИЗНИ ЭШИТМАЯПТИ..."

Яна бир мурожаат Кува туманидаги "Мустақиллик" маҳалласидан йўлланган:  
"Маҳаллада 800 та хўжалик яшайди, аҳоли, асосан, мева-сабзавот етиштириб, экспорт қилиш билан шуғулланади. Вилоят бўйича мева-сабзавот экспортининг 80 фоизини айнан бизнинг маҳалла амалга оширади. Лекин, мана, уч йилдан бери маҳалла инфратузилмаси абгор ҳолатда. Хусусан, ички йўлларнинг 12 километри асфальт қилинмаган, қишда лой, ёзда тупроқ. Мавжуд 8 та трансформатор зўриқиш билан ишляпти, 300 та эски симёғочлар ўз муддатини ўтаб бўлган, тез-тез узалишлар кузатилади. Бу ҳақда ҳамма жойга мурожаат қилдик, ҳеч ким инобатга олмапти. Республика экспортига сезиларли даражада ҳисса қўшаётган маҳалла бугун эътибордан четда қолган. Бизга амалий кўмак зарур..."

Сизни шу каби масалалар ўйлантираётган бўлса, ботга савол ва таклифларингизни юборинг!

## "Еттилик" таклифи билан ёшларга ер берилади

"Маҳалла еттилиги" фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Республика ишчи гуруҳи аъзолари Хоразм вилояти маҳаллаларида ўрганишлар олиб бормоқда.

Кўшкўпир туманидаги "Куназей" ва "Хайриобод" маҳаллаларида "еттилик" вакиллари билан бирма-бир суҳбатлашилди. Тумандаги 20-умумтаълим мактабда ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар ўрганилди. Йиғилган таклиф ва ўрганилган камчиликлар ишлаб чиқилган "йўл харитаси"га киритилиши белгиланди. Хива шаҳридаги "Янги турмуш" ва "Газчи" маҳаллалари "еттилиги" фаолияти ўрганилиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳолини хатловдан ўтказиш жараёнлари билан танишилди ҳамда масъулларга тегишли кўрсатма ва тушунтиришлар берилди.

### ЖАРАЁН

Қолаверса, Янгибозор туманида оталиққа олинган ёшлар билан ишлашни тизимли ташкил этиш бўйича ўқув-семинар ўтказилди. Семинарда ёшлар билан индивидуал ишлашни жадаллаштириш, жамиятдан ажраб қолган, ҳаётда ўз ўрнини тополмаётган, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган ёшларни фаол ҳаётга қайтариш бўйича фикрлашилди. Маҳалла ҳудудидаги бандлиги таъминланмаган, давлатнинг ғамхўрлиги ва эътиборини кутаётган ҳамда кўмакка муҳтож ёшлар билан алоҳида иш ташкил этиб, уларни касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашда амалий кўмак бериш каби вазифалар белгиланди. Тумандаги таълим муассасаларида Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темуру хоналари ташкил этилди.



Давоми 2-саҳифада.

## Ўсмир нега ЖИНОЯТга қўл уради?

"Мақтаб — ота-она, маҳалла" халқаси, қачонки, ўқитувчи масъулиятли, ота-она намунали, маҳалла-кўй хушёр бўлсагина самарали ишлайди

Санжар ИБРОҲИМОВ.

Президент ҳузуридаги Статистика агентлиги яқинда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига оид ҳисоботни эълон қилди. Барча масалалар қамраб олинган ҳисоботда битта жиҳат эътиборни торти: 2023 йилда Ўзбекистонда 3 599 нафар вояга етмаган йигит-қиз (13-17 ёшли) жиноят содир этган. Ўтган йили жиноят содир этганларнинг 744 нафари — 13-15 ёш, 2 855 нафари — 16-17 ёшлилардир. Қизларнинг улуши 8,7 фоиз — 314 кишини ташкил этади. Жиноят турлари бўйича вояга етмаганларнинг аксарияти ўғрилик, безорилик, фирибгарлик, талончилик ва босқинчиликда айбдор деб топилган. Шу билан бирга, одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш жиноятлари рўйхатга олинган. Жиноят содир этилган вақтда ўсмирларнинг 2 730 нафари таълим муассасасида ўқиётган, 510 нафари ишчи, 148 нафари ишламайдиган ёки ўқимайдиган, 8 нафари хизматчи, 190 нафари бошқа тоифаларга мансуб болалар бўлган...



"Мақтаб фақат таълим беришга масъул" деган қарашдан воз кечиш лозим.

### ТАҲЛИЛ

Жамиятда илдиз отган иллатлардан бири — оталарда жавобгарлик ҳисси камайиб кетди.

## Аҳолиси кўп ҳудуднинг муаммоси кам бўлмайди



Ўтган йили юртимизда 36 та маҳалла янгидан ташкил этилган.

Бу маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади

Санжар ИСМАТОВ.

"Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига кўра, мавжуд маҳаллалар фаолияти ташкилий ва молиявий жиҳатдан тўғри йўлга қўйилгани, бошқарув жиҳатидан ўзини оқлаши юзасидан ўрганиш олиб борилади ҳамда ушбу талабларга жавоб бермайдиган маҳаллаларни бирлаштириш ва ихчамлаштириш чоралари кўрилади. Уюшма маълумотига кўра, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатимизда 9 442 та фуқаролар йиғини мавжуд. Бу — 2023 йил 1 январдаги кўрсаткичдан (9 406 та) 36 тага кўп демакдир. Бундан англашиладики, ўтган йили юртимизда

### КЎЗГУ

36 та маҳалла янгидан ташкил этилган. Шу билан бирга, бугунги кунда мавжуд маҳаллаларнинг юздан ортиғида 8 минг ва ундан зиёд аҳоли истикомат қилади. Қолаверса, хонадонлар сони 1 500 дан ортиқ бўлган уч юздан зиёд маҳалла мавжуд. Бу ўз навбатида ушбу ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги, аҳоли муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга салбий таъсир кўрсатади. Зеро, атиги етти нафар маҳалла ходимининг шунча аҳоли вакиллари билан бирдек қамраб олиши, барчасининг муаммоси билан шуғулланиши мушкул. Қолаверса, айрим ҳудудларда маҳалланинг уч четидан бу четигача бўлган масофа 100 километрдан ортиқроқни ташкил этади. Бу ҳолатда бугунги кун талаби саналган "маҳаллабай", "хонадонбай", "оилабай" ишларни ташкил этишда қийинчиликлар туғилиши табиий. Шу боис бундай маҳаллаларни аҳоли розилиги асосида бўлиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Давоми 2-саҳифада.





**БМТ Бош Ассамблеяси ЎЗБЕКИСТОН ИЛГАРИ СУРГАН РЕЗОЛЮЦИЯНИ БИР ОВОЗДАН МАЪҚУЛЛАДИ.**



**Шавкат Мирзиёев Туркия Президентини Режеп Таййип Эрдоғанини қутлуг 70 ЁШГА ТЎЛГАНИ билан дилдан қутлади.**



**Президент пойтахтда саноат, хизмат кўрсатиш, инфратузилмани ривожлантириш бўйича ХУҲЖАТЛАР ЛОЙИХАЛАРИ билан танишди.**

ТАҲЛИЛ

# Ўсмир нега жинойтга қўл уради?

**“Мақтаб — ота-она, маҳалла” халқаси, қачонки, ўқитувчи масъулиятли, ота-она намунали, маҳалла-қўй хушёр бўлсагина самарали ишлайди**

Давом. Бошланчи 1-саҳифада.

## Рақамлар хайратланарли...

Шу билан бирга, аянчли, шундай эмасми? Ахир мақтаб ёшидаги боланинг кимнидир ўлдирши ёки шунга ҳаракат қилишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди-ку? Ўқиш, илм олиш, дунёқарашини бойитиш талаб қилинадиган ёшда панжара ортида ўтириш, яқинларининг юзун эрга қаратиш учун ким бўлиши керак? Биз нега шу ахволга келиб қолдик? Қаерда хато қилдикки, бадалини болалар орқали тўлаяпмиз?..

## Болаларни ўз ҳолига ташлаб қўдик.

Ўсмирлик ўтиш даври саналади, бу пайтда вояга етмаганлар ўзини қўрсатгиси, қобилиятини намоён этгиси келади. Агар мақтабда, оилада бунга имкон тополмас, кулай шароитни кўча-кўйдан излашади. Шу боис ўсмир нега жинойт кўчасига кириб қолганини англаб етиш учун, энг аввало, уни қуршаб турган ижтимоий муҳит, шарт-шароит ва унинг ўсмир шахсига қандай таъсир этганини таҳлил қилиш лозим.

Таҳлилларга кўра, ўқувчилар иштирокида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти дарс машғулоти пайтида юз берган, бунинг содир этганлар дарсларга мунтазам қатнашмаган, улар педагоглар ва ота-оналар назоратидан четда қолган. Қолаверса, бу ўринда маҳалла-қўйнинг бефарқлиги, “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилидаги ёндашув асосида яшаётганимиз асосий омиллардан бири бўляпти.

**Хўш, вазият шу даражага етмаслиги учун нима қилиш керак? Ишни нимадан бошлаш лозим?**

“Мақтаб фақат таълим беришга масъул” деган қарашдан воз кечиш лозим. Таълим тарбия билан чамбарчас боғланган жараён. Илмни тарбиядан ажратмаслик керак. Қачонки ўқитувчи дарс берар экан, ҳамма вақт илм берувчи одам тарбияни ҳам бера олиши лозим.

## РАИСГА ЭСЛАТМА:

**Мақтаб ҳаётида маҳалла раисларининг ўрни сезилиши лозим.**

**Ота-она ўз масъулиятини унутмаслиги керак.** Илм ўқув даргоҳидан, ҳаётдан олиниши мумкин-дир, лекин одоб, тарбия, аввало, оиладан, уйда олинади. Оила назоратидан четда қолиш ёшларда бебошлик ҳиссини юзага келтиради. Улар нима қилсам жавобгар бўлмас эканман, деган ҳулосага келади. Янада ачинарлиси, болалар хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатадиган ота-оналар бор — улар спиртли ичимлик истеъмол қилади, ҳатто фарзандини ишлаш ёки тиланчиликка мажбурлайди.

Жамиятда илдиз отган иллатлардан яна бири — оталарда жавобгарлик ҳисси камайиб кетди. Бир эсланг, болалигимизда шўхлик қилсак, уришсак, “икки” олсак, ўқитувчилар ёки оналаримиз “даданга айтаман” ёки “даданг ишдан келсин, кўрасан” деса, безиллаб ҳамма

ишни қилар, дарсларни вақтида тайёрлардик. Бугун-чи, оталар оилада шундай мавқега эгами? Афсуски, ҳамма оилаларда шундай дея олмаймиз.

**Маҳалладаги муҳит кўп жиҳатдан ёшлар таълим-тарбиясига боғлиқ.** Шундай экан, маҳалла раиси ота-оналар билан бирга, мақтаблар ҳаётида фаол қатнашиши, ёшларнинг билими ва касб эгаллашига эътиборли бўлиши керак.

Президент Шавкат Мирзиёев февраль ойи бошида “Мақтаб — ота-она — маҳалла” халқаси асосида электрон мулоқот платформасини ишга тушириш кераклиги, мақтаб ҳаётида маҳалла раисларининг ўрни сезилиши лозимлигини бежиз таъкидламади. Эро, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни касбга йўналтириш, таълим-тарбия бериш фақатгина таълим соҳасининг эмас, ота-оналар, маҳалла фаоллари, бутун жамиятнинг иши.

Маҳаллаларда ҳар ой камида бир марта “Ота-оналар мактаби” сабоқлари, мақтабларда ота-оналар йиғилишлари ташкил этилиши керак. Қолаверса, нурунийлар биринчи навбатда “Бир нуруний ўн нафар ёшга масъул” тамойили асосида тарбияси оғир, қониқарсиз баҳолашга ўқитган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларига бириктирилиши лозим.

**Ана шунда Президент қайд этганидек, ота-онада масъулият, ўқитувчида мажбурият, ўқувчида ишонч, таълим ва тарбияда сифат, маҳаллада назорат бўлади.**



Давом. Бошланчи 1-саҳифада.

ЖАРАЁН

# “Еттилик” таклифи билан ёшларга ер берилади

Ўрганишлар жараёнида ёшларга ер майдонлари ажратилмоқда. Бу вазифа яқинда Президент раислигида ўтказилган ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларига қаратилган йиғилишда белгилаб берилган. Унга кўра, жорий йилда ёшларнинг ўзига республика бўйича 60 минг 500 гектар ер ажратилади. Шундан Хоразм вилоятида 3 минг гектар ер ўз эгаларига топширилади. Режага кўра, энг серунон, сувга бой ерлар эҳтиёжи бор, оддий одамларга берилади. Хўш, бу ерлар ёшларга шунчалик бериб юборилмади?

Йўқ, албатта. Бунда янги тартиб ўрнатилди. Унга кўра, туман ҳокимлари ерни сув таъминоти яхши жойдан ажратишга масъул бўлади. Ҳар бир ёшга қанча майдон ажратиш бўйича “маҳалла еттилиги” таклиф беради. Ер олган ёшлар “Фер-

мерлар мактаби”да ҳосилдор экспортбop экинлар етиштиришга ўқитилади. Мини-техника, уруғ ва кўчатлар сотиб олишга “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳамда Фермерлар жамғармасидан субсидия ажратилади. Деҳқон ёшларга экспортчи ва қайта ишловчи тадбиркорлар кооперация асосида бириктирилади. Сирасини айтганда, ёшларга ер илми ўргатилиб, сўнгра ер берилади.

Умуман олганда, вилоятда ҳар бир сектор ҳудудидаги маҳаллаларда “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган 4 975 нафар ёшга деҳқон хўжалигини юритиш учун ер берилади. Эндиликда қўлида иши бўлмаган, доимий даромади йўқ бу ёшлар “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ҳосил етиштирилади. Ўрганишлар давом этмоқда.

## ТОМОРҚА

# Майсалар уйғонса-да, одам уйғонмаса қийин...

**Маҳалла гафлагда қолган, боқимандаликка берилган инсонларни уйғотмас экан, ердан унумли фойдаланилмайди, оилада меҳнат қилиш, шу орқали рўзгор тебратиш тушунчаси шаклланимайди**

Илҳом САТТОРОВ.

Кармана туманида яшовчи Меҳригул Эргашева ноғиронлиги бўлгани сабабли уйда қолишга мажбур бўлди. Беморлигини баҳона қилиб турли идорага ташкилотларга ёрдам сўраб бормайди. Орияти устунлик қилди. Худо берган дардини синов деди. Оиласига молиявий кўмак бериш учун имконият қидирди. Оила аъзоларининг кўмаги билан 3 сотихли иссиқхона барпо этди. Мана, тўрт йилдирки, ушбу иссиқхонада помидор, бодринг, қўқат етиштириб келмоқда. Иссиқхонадан йилга 2-3 марта ҳосил олиб, йиллик даромади ўртача 20 миллион сўмни ташкил этади. Ҳозирда қизи Навоий давлат педагогика институтига иккинчи босқичда таҳсил олмақда. Фарзандининг шартнома тўловлари иссиқхонадан келатган даромаддан қопланади. Навбахорлик Шеромад Хайруллаев хонадонига кирган киши ҳам бу ердаги файздан кўзи кувнади. Тартиб билан экилган дархатлар, шакли берилган узумлар, оқланган тандирхонаю молхона оилада қатъий тартиб-интизом борлигидан дарак.

— Қарийб саккиз сотих экин майдонининг бир қарчи бўш қолмайди, — дейди

Ш.Хайруллаев. — Йилига ўртача 2 тоннадан зиёд картошка етиштириб сотамиз. Ҳозирда 150 дона ёнғоқ кўчати сотиш учун тайёр. Томорқа вақтини мазмунли ўтказиш, меҳнат қилиш билан бирга, қўшимча даромад манбаига айланган.

Афсуски, бугун маҳаллаларда ишчи гуруҳлари билан уйма-уй юрар эканмиз, тарғибот ва тушунтириш ишларини яхши англамаётган, англасса-да, дангасаликка берилган оилалар учрамоқда. Ҳатто ҳовлиси, молхонасини тозалашни ўз ҳолига ташлаб қўйган кишиларнинг борлиги дилни хира қилади.

Ана шундай кишиларни уйғотиш, уларни боқимандалик кайфиятидан чиқариш, томорқа маданиятини шакллантириш — “маҳалла еттилиги”нинг асосий вазифаларидан. Шу шартнома тўловлари иссиқхонадан келатган даромаддан қопланади.

Навбахорлик Шеромад Хайруллаев хонадонига кирган киши ҳам бу ердаги файздан кўзи кувнади. Тартиб билан экилган дархатлар, шакли берилган узумлар, оқланган тандирхонаю молхона оилада қатъий тартиб-интизом борлигидан дарак.

— Қарийб саккиз сотих экин майдонининг бир қарчи бўш қолмайди, — дейди



**Боқиманда кишиларни уйғотиш, уларни боқимандалик кайфиятидан чиқариш, томорқа маданиятини шакллантириш — “маҳалла еттилиги”нинг асосий вазифаларидан.**

Ҳатто ҳовлиси, молхонасини тозалашни ўз ҳолига ташлаб қўйган кишиларнинг борлиги дилни хира қилади.

## КЎЗГУ

# Аҳолиси кўп ҳудуднинг муаммоси кам бўлмайди

Давом. Бошланчи 1-саҳифада.

## МАҲАЛЛАЛАР ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги тегишли қарори билан “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.

Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш бўйича таклифларни фуқаролар йиғинлари кенгашлари тайёрлайди. Йиғинлар илтимосномаси бўйича масала халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида кўриб чиқилади.

Маҳаллалар ҳудудларнинг тарихий хусусиятларини, қоидага кўра, камида 500 та оила яшайдиган аҳоли пунктларининг географик жойлашшини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Истисно ҳолларда, 500 нафардан кам аҳоли, лекин

камида 100 та оила яшайдиган бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ҳамда ҳарбий шаҳарчаларда маҳаллалар ташкил этилиши мумкин.



Бир сўз билан айтганда, аҳоли сони кўп бўлган ҳудудларни бўлишга эҳтиёж бор. Бу орқали, биринчидан, фуқаролар йиғинларининг иш фаолияти оsonлашади, самарадорлик ортади. Иккинчидан, ҳудуд аҳолини қийнаётган масалалар тўлиқ қамраб олинади ва тезроқ ҳал этиш чоралари кўрилади. Учинчидан, маҳаллаларга бир хил номларнинг берилиши ва бу борадаги тушунмовчиликларнинг олди олинади.

## МАҲАЛЛАГА ҚАНДАЙ НОМ БЕРИЛАДИ?

Маҳаллаларга бериладиган ном унинг энг характерли белгиларини акс эттириши, маҳаллий аҳолининг фикрини эътиборга олиши, қоидага кўра, учтадан ортиқ бўлмаган сўздан иборат бўлиши керак. Қолаверса, маҳаллалар номларининг ўхшашлиги адашишга олиб келиши, калондимомглик маъносига эга бўлиши, ушбу номларнинг Ўзбекистон халқининг тарихи, анъаналари ва маданияти билан номувофиқлигини истисно этиши лозим.

Маҳаллаларга айрим одамларнинг, ижтимоий-сиёсий арбобларнинг номларини беришга, қоидага кўра, йўл қўйилмайди. Ўзбекистон ёки жaxon тарихида чуқур из қолдирган шахслар бундан мустасно. Бир туман (шаҳар) доирасида маҳаллаларга айнан бир хил ном берилиши мумкин эмас.







Ўзбекистон СЕНАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ Осиё Парламент ассамблеясининг 14-ялпи мажлисида иштирок этди.



Жорий йил 2-3 май кунлари учинчи ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ форуми (ТХИФ-III) бўлиб ўтади.



Янги қонун лойиҳасига кўра, РУХСАТНОМАСИЗ ҚУРИЛГАН уй-жойларга нисбатан эгалик белгиланади.

## “Эндиликда фуқаролар тақдирига масъулият ҳисси ортиган”



Ганийжон СОЛИЕВ, Бағдод тумани ҳокими.

ХОКИМ ЁРДАМЧИСИДАН ХОКИМЛИККАЧА

Ҳоким ёрдамчисини бугун ҳокимликка тайинлаши мамлакатда кадрлар сиёсатида янги давр бошланганига ёрқин мисол. Дарҳақиқат, шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда ҳар бир мамлакатнинг раънақи, ривожини олиб бораётган ислохот ва ўзгаришлар самараси — кадрлар салоҳиятига бевоқифлик бўлиб, Шу боис Президент ташаббуси билан 30 йилдан бери кейинга сурилиб келинган муҳим масала ўз ечимини топди: 2022 йил 8 августда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун имзоланди.

Ушбу қонунга асосан, “Миллий кадрлар захираси”ни яратиш, давлат фуқаролик хизмати раҳбарлик лавозимларини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини марказлаштирилган ҳолда саралаб олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуқсиз

малакасини ошириш тизими йўлга қўйилди.

Жумладан, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари орасидан танлаб олинган 1000 нафар давлат фуқаролик хизматчиси Салоҳиятли кадрлар захирасига киритилди. Шулар қаторида фаолиятим юқори баҳолашиб, уларнинг сафидан жой олдим. Бу, албатта, зиммамга катта масъулият юкляди.

Айтиш керакки, ўтган вақтда белгиланган вазифани сидқидилдан бажариб, ишончини оқлашга уриндим. Меҳнат фаолиятимни қўйи тизимларда бошлаганим, устозларнинг ҳаётий маслаҳатларига амал қилганим қўл келди. Айниқса, “Хўжақилшоқ” маҳалласида ҳоким ёрдамчиси лавозимида иш бошлаганим малакали кадр сифатида шаклланишим, халқ билан янада яқинлашишимда асосий омил бўлди. Янги иш

фаолиятимда манзилдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволига аниқ ташхис қўйиш мақсадида дастлаб 706 та хонадонда истиқомат қилувчи 3 723 нафар фуқарони хатловдан ўтказдик. Натижага асосланиб, уларни 4 та тоифага — кам даромадли, қўшимча даромадли эҳтиёжи бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иқтисодий аҳволи яхши хонадонларга ажратиб олдик. Ўрганишларга кўра, янги иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлаш бўйича ҳудудга хос лойиҳалар ишлаб чиқдик. Масалан, “Хўжа сити каболлари” хусусий корхонаси ҳамда “Дастурхон нони” оилавий корхонаси фаолияти йўлга қўйилиши ҳисобига 12 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди. Яна 5 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. 1 та сартарошхона, 2 та савдо дўкони, 1 та автомобилларга техник хизмат



Энди зиммамда 3 723 нафар эмас, 233 000 нафардан ортиқ фуқаролар оғирини енгил қилиш, дардига дармон бўлишдек улкан масъулият борлигини ҳис қиламан.



кўрсатиш шохобчаси, 2 та қассобхона, 1 та дорихона ва ветеринария дорихонаси ташкил этилди.

Ёдимда бор, намунали фаолиятим учун берилган мукофот — телевизорни ҳудудда яшовчи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож Қосимовлар оиласига совға қилганим. Ушунда бу оиланинг қувончидан кўксим фохрга тўлган.

Бугунги кунда туман ҳокими сифатида иш бошлаганим балки ўша пайтдаги яхши амалларим мукофотидир. Энди зиммамда 3 723 нафар эмас, 233 000 нафардан ортиқ фуқаролар оғирини енгил қилиш, дардига дармон бўлишдек улкан масъулият борлигини ҳис қиламан. Уларнинг турмуш тарзини яхшилаш, ҳаётининг фаровонлигини таъминлаш, Президент билдирган ишончини оқлаш бирламчи вазифам.

### ТАЖРИБА

## “Баҳор” бренди билан дунёга таниламиз”



Маҳалла аҳли бой бўлса, мамлакат тараққий этади, юрт обод бўлади.

Бизнинг маҳаллада 850 та хонадон мавжуд бўлиб, 4537 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш асосий “драйвер”. 2023 йилда ҳудуддаги деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш ҳисобига 28 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирилди, шундан 22 минг тоннаси экспортга йўналтирилди. Аҳоли даромади ўртача 98 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилда ҳудудда 36 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва аҳоли ўртача даромадини 130 миллион сўмга етказиш белгилаб олинган.

“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида вилоят семинари айнан бизнинг маҳаллада ўтказилгани бежиз эмас. Сабаби аҳоли фақат экспортбop қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришнинг ҳадисини олган. Бир йилда 4 марта ҳосил кўтарамиз. Бунда ҳар бир фаслнинг иқлим шароитидан самарали фойдаланамиз. Тажрибамизни қўшни маҳаллаларга ҳам оммалаштиряпмиз.

Ҳозирги вақтда маҳаллада 15 дан зиёд кичик логистика маркази ишлаб турибди. Бундан ташқари, 10 га яқин уй меҳмонхонаси бор.

Томорқадан самарали фойдаланишда ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда аҳолига зарур ёрдам бериб келяпмиз. Жумладан, агентлик яратган “Агрокумакчи” мобил иловасидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган. Платформанинг афзаллиги кўп. Масалан, ҳар бир томорқа эгаси уйдан чиқмай керакли маслаҳатни олиши мумкин. Яъни, фуқаро платформага кириб, чақирув тугмасини босганидан кейин, инспекция ходими 1 соат ичида алоқага чиқади. Томорқа эгасига керакли тавсия ва ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари, мобил иловада қандай маҳсулотни қайси давлатга экспорт қилиш мумкинлиги ҳам жой олган.

Ҳудудда аукцион савдоси орқали ер сотиб олиб, яхши даромад топаётганлар кўпчиликини

Жорий йил 6 та хонадонда мева-сабзавотларни сақлаш омбори — музлатгич қурыпмиз. Экспортбop маҳсулот турини кўпайтиряпмиз. Швецариялик мутахассислар кўмағида етиштириладиган гулқарам илк бор маҳаллада ҳосилга кирди.

Ташкил этади. Масалан, Улуғбек Алиқулов тайловда ғолиб чиқиб, ер эгасига айланган. Ўтган йили декабрь ойида ерга гулқарам кўчларини қадаган ёш деҳқоннинг ниҳоллари бугун баравж ўсоқда. Насиб қилса, март-апрель ойида сотишга тайёр бўлади. Йилига 3 марта ҳосил йиғиш имкониятини ҳисобга олсак, даромади 60-70 миллион сўмни ташкил қилади. Етиштирилган маҳсулотни сотиш муаммоси йўқ. Маҳалладаги логистика маркази орқали экспорт қилиши мумкин.

2023 йилда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги делегацияси таркибида бир гуруҳ ҳоким ёрдамчилари билан Япония давлатида тажриба ошириб кайтдик. Ҳозирда у ерда ўрган-

ганларимизни маҳаллага татбиқ этилман. Масалан, жорий йил 6 та хонадонда мева-сабзавотларни сақлаш омбори — музлатгич қурыпмиз. Экспортбop маҳсулот турини кўпайтиряпмиз. Швецариялик мутахассислар кўмағида фақат Японияда етиштириладиган гулқарам илк бор маҳаллада ҳосилга кирди. Шунингдек, сут ва сўт маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси иш бошлади. “Баҳор” маҳалласи бренди асосида кўлпоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2024 йилда маҳалла хомашё етиштирувчидан ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳудудга айланади. Бунга барча имконият мавжуд.

ногиронга кредит ажратиб, тадбиркорликка йўналтирдик. 2 нафарига субсидия, 1 нафарига ер бердик. Бундан ташқари, 2022 йилда ташаббусим билан Чорвадорлар кўчасига 75 миллион сўмлик насос ўрнатдик. Натижада 70 та хонадонни 22 йиллик муаммоси ҳал бўлиб, 30 гектар томорқа ер майдони сув билан таъминланди. 150 нафар фуқаро томорқада ўзини ўзи банд қилди.



Март ойидан лойиҳа қиймати 1,5 миллиард сўмни ташкил этувчи замонавий технологиялар асосида полиэтилен хомашёсидан ҳаво пуфакчали қадоқлаш ва ўрама маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошлаймиз. Жорий йил биринчи чорагида маҳалла брендини яратиш ниятидамиз. Яъни, 2024 йилда маҳалла хомашё етиштирувчидан ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳудудга айланади. Бунга барча имконият мавжуд. Дастлабки фаолиятимни бошлаган кезде 8 та кичик тадбиркорлик субъекти бўлган эди. Бугунги кунда уларнинг сони 42 тага етди.

Ўз навбатида ногирон ва имконияти чеklangан фуқаролар бандлигини таъминлаш доимий эътиборда. 2023 йилда 2 нафар



Ҳамид МУҲАММЕДОВ, Ангор туманидаги “Баҳор” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

### САРҲИСОБ

65 нафар шогирдларга 214,5 млн. сўм субсидия йўналтирилди.

## 2023 йил: ҳоким ёрдамчилари қандай ёрдам кўрсатди?



Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси орқали 2023 йил давомида 64 892 нафар фуқарога жами 313,0 млрд. сўм субсидия ажратилди. Шундан 50 278 нафар хотин-қизга жами 234,6 млрд. сўм, «Аёллар дафтари»га киритилган 42 409 нафар хотин-қизга 203,6 млрд. сўм кўмак берилди. 5 188 нафар ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оила аъзолари бўлган томорқа ер эгаларига енгил конструкцияли иссиқхона қуриш, суғориш воситаларини ўрнаттириш, қўчатлар ва уруғликлар сотиб олиш учун 40 988,5 млн. сўм, қишлоқ хўжалиги кооперативлар устав фондида 1 248 нафар ишсиз, кам таъминланган ва меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқароларни улуш сифатида киритиш учун 4 013,4 млн.сўм маблағ тақсимланди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик ёки ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлган 53 936 нафар фуқарога асбоб-ускуна ва меҳнат курулларининг харидига 261,6 млрд. сўм, 3 334 нафарига «Хунарманд» уюшмасига аъзолик бадалли харажатлари учун 2 643,8 млн. сўм тўлаб берилди. Шунингдек, “Уста-шогирд” аъёналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган (ўрганаётган) 1 051 нафар уста ва шогирдларга 2 808,6 млн. сўм субсидиялар ажратилган.

Шогирдларга — мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш, интернет сайти ташкил этиш, ўз маҳсулотини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун 65 нафар шогирдларга 214,5 млн. сўм субсидия йўналтирилди. Қолаверса, “уста-шогирд” аъёналари асосида ёшларга хунар ўрганмоқчи бўлган ёшларга ёки хунар ўргатаётган (ёки ўргатмоқчи бўлган) усталарга шогирдлар тайёрлаш ёки шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун 736,2 млн. сўм субсидиялар ажратилган.

Аспандиёр ТОҶИБОВЕВ, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги бош мутахассиси.





Энди тил сертификатларини кўлга киритганларнинг БАРЧА ТЎЛОВЛАРИ қоплаб берилди.



“Док-1 Макс иши”: судланувчиларга 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.



Ҳукумат қарори билан ЖАМОАТЧИЛИК ЭКОЛОГИЯ НАЗОРАТЧИСИ Тўғрисидаги низом тасдиқланди.



### БИЛАСИЗМИ? Ёшларга гаровсиз кредит ажратилади

Янги турмуш қурган ёшларга ўз хонадонда қўшимча уй-жой куриш учун гаровсиз кредит ажратилади.

“Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг яққа тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой куриш учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратиш тартиби белгиланган.

**Кредит куйидаги шартлар асосида ажратилади:**  
 бозор ставкасида миқоз хоҳишига кўра 6 ой имтиёзли давр билан;  
 20 йилдан кўп бўлмаган муддатга;  
 бошланғич бадали яққа тартибдаги хонадонда қўшимча курилаётган уй-жой қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда.  
 Шунингдек, қарз олувчи қуйидаги мувофиқлик мезонларига мос бўлиши лозим. Жумладан:  
 кредит олиш учун мурожаат қилган кунда 18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган бўлиши;  
 “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг янги турмуш қурганлари (никоҳи қайд этилганга 3 йилдан ошмаган бўлиши лозим);  
 даромад манбаларига, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон ҳўжалигиндан ёхуд яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан доимий даромадга эга бўлиши.

## Газ қуйиш шохобчаси: хизмат тури қачон рақамлашади?

депутат энергетика вазирига сўров юборди


### БУГУННИНГ ГАПИ

Сўнги йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини комплекс ривожлантириш ҳамда энергия ресурсларига тобора охиб бораётган эҳтиёжни таъминлашнинг муҳим омили бўлган энергия манбаларини диверсификация қилиш, яъни янгилаш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганига қарамадан, соҳада айрим қилма-қиллар сақланиб қолмоқда. Ҳаво салгина совуши билан табиий газ босими пасайиб, автомобилларга газ қуйиш шохобчаларида турнақатор навбат юзага келмоқда. Бу вазиятдан чиқиш учун ҳар сафар Ўзбекистонда автомобилларга газ тўлдириш шохобчаларининг хизмат кўрсатиш графикага вақтинчалик чеклов ўрнатилди. Бунинг замирида биринчи навбатда аҳолига газ етаксиз бериш ётади. Аммо чора-тадбирлар иккинчи тоифа истеъмолчилар ҳуқуқини бузилишига, сарсонгарчилигига сабаб бўлмоқда. Яъни, юқорида таъкидлаганимиздек, газ қуйиш шохобчаларида турнақатор навбатлар юзага келиб, бунинг ортидан ноқулайликлар туғилмоқда.



Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,  
“Mahalla” мухбири.

бардор қилмаслик ёқилғи қуйиш шохобчаларида навбатларда вақт йўқотишларга ва табиийки, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирига мавжуд ҳолат бўйича асосланган тушунтириш ва изох берилиши юзасидан депутатлик сўрови юборилди. Жумладан, депутат Д.Ҳамзаев киритган сўровда нима учун қаердаги шохобча қайси вақтдан қайси вақтгача ишлайди, қандай ёқилғи турлари борлиги ҳақида маълумотлар тизимлашмагани, аҳолига энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш ва ёқилғи қуйиш шохобчаларида хизмат кўрсатишда замонавий рақамли технологияларни жорий этиш бўйича қандай чоралар кўрилаётгани сўралган.



Чиндан ҳам, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун газ қуйиш шохобчалари ҳақида маълумотлар (шохобчаларнинг ишлаш вақти, ишлаётгани ёки ишламаётгани, айна ҳолатдаги ёқилғи қолдиғи ва бошқалар) умумлаштирилган онлайн ахборот тизими (мобил иловаси билан бирга) нима сабабдан шу вақтгача яратилмагани барчани қизиқтиради. Бу саволга Энергетика вазирлиги ахборот хизмати муносабати билан қизиқдик. Ахборот хизматининг маълум қилишича, бу тақдир бўйича вазирликда аввалдан ҳаракат бошланган. Айна тизимни рақамлаштириш ҳозирда сўнги босқич ишлов жараёнида. Бунда Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, платформа жорий йил якунигача ишга тушади.

Чиндан ҳам, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун газ қуйиш шохобчалари ҳақида маълумотлар (шохобчаларнинг ишлаш вақти, ишлаётгани ёки ишламаётгани, айна ҳолатдаги ёқилғи қолдиғи ва бошқалар) умумлаштирилган онлайн ахборот тизими (мобил иловаси билан бирга) нима сабабдан шу вақтгача яратилмагани барчани қизиқтиради.

Бу саволга Энергетика вазирлиги ахборот хизмати муносабати билан қизиқдик. Ахборот хизматининг маълум қилишича, бу тақдир бўйича вазирликда аввалдан ҳаракат бошланган. Айна тизимни рақамлаштириш ҳозирда сўнги босқич ишлов жараёнида. Бунда Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, платформа жорий йил якунигача ишга тушади.

Газ қуйиш шохобчалари умумлаштирилган онлайн ахборот тизimini яратиш ва тизимли фаолиятини йўлга қўйиш тақдифи ва унда акс этувчи шохобчаларнинг ишлаш вақти, ишлаётгани ёки ишламаётгани, айна ҳолатдаги ёқилғи қолдиғи ва бошқа маълумотлар яратилгани яхши, аммо бу – йўқ газни бор қилиб бера оладими? 2020 йилда Энергетика вазирлиги ўринбосари саволга жавоб бериб, “Ўзбекистонда 2025 йилгача бозор тамойилларига асосланган энергетика бозори яратилади. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, 2025 йилга келиб асосий муаммолар ҳал бўлади”, деган эди. Лекин афсуски, айтилган муддат келишига оз қолган бўлса-да, асосий муаммо долзарблигича турибди.

### «Бир нуроний ўн ёшга масъул»



Унга мувофиқ ёшлар ҳар бир маҳалладаги ҳаётий тажрибага эга бўлган замонавий фикрлайдиган фаол нуронийларга бириктирилиши белгиланган. Бунда маҳаллалардаги ёшлар етакчилари «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари билан биргаликда шакллантирилган рўйхатлар асосида 10 нафар уюшмаган ва муаммоли ёшлар нуронийларга бириктириб чиқилади.

Бой ҳаётий тажрибага эга зиёли, хунарманд, тадбиркор, фермер ва бошқа соҳа вакиллари бўлган нуронийлар худудлардаги барча таълим муассасаларига бириктирилади.

### ТАЖРИБА

## “Ёшлар дафтари” дагилар имкон ва кўмак тояпти

Шахбоз САФАРБОЕВ,  
Боёвут туманидаги “Иждокор” маҳалласи ёшлар етакчиси.

СИРОЖИДДИН НАФАҚАТ ўзини ўзи банд қилган, балки «УСТОЗ-ШОГИРД» АНЪАНАСИГА МУВОФИҚ, МАҲАЛЛАДАГИ ЁШЛАРГА ЧИЛАНГАРЛИК СИР-СИНОАТЛАРИ ўргатмоқда.

2022 йилдан бери ёшлар етакчиси лавозимида ишлаб келаман. Дастлабки иш бошлаган кунимдан, ёшлар муаммосини ўрганиш, унга ечим топишга ҳаракат қиламан. Айниқса, 2023 йилда ўтказилган хатлов натижасида 34 нафар



БОЁВУТ ТУМАНИДАГИ “ИЖДОКОР” МАҲАЛЛАСИ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР.

тенқурларимиз “Ёшлар дафтари”га рўйхатга олинган. Уларни тоифаларга бўлиб, кўмак кўрсатиб бордик.

Шу кунгача жами 34 нафар ёшга ёрдам бердик. Жумладан, 3 нафари субсидия асосида тикув машинаси олди, 8 нафарининг тўлов шартномаси суммаси копланди. 3 нафарининг саломатлигини тиклаш учун моддий ёрдам кўрсатилди. 2 нафарининг сафарбарлик қақирув хизмати тўлови ўтказилди. 1 нафар ёшга ҳайдовчилик гувоҳномаси олишида кўмаклашилди. Яна 4 нафар йигит-қизнинг ўқув курси учун маблағ ажратилди. 13 нафар ёшлар ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, давлат кўмагига муҳтож «оғир» тоифадаги ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш мақсадида улар билан манзилли ишлаш бўйича “йўл харитаси” тузиб олганман. Унга кўра, 29 нафар шу тоифадаги ёшлар рўйхати шакллантирилиб, 2 нафар раҳбарга бириктирилган. Жумладан, Фотима Худойберганованинг тўлов шартнома пулини тўлаб бериш учун 5

миллион сўм ёрдам кўрсатилди. Муножат сўннатлаеванинг саломатлигини тиклаш учун 1 миллион 300 минг сўм моддий ёрдам берилди.

Ишсиз ёшлар бандлигини таъминлашда “Ёшлар дафтари”да белгиланган ёрдам турларидан самарали фойдаланяпмиз. Масалан, 23 ёшли Сирожддин Абдусаломов яқингача ишсиз эди. Аммо у билан суҳбатлашганимизда чилангарилик қизиқишини аниқладик. Демак, шу йўналишда ўзини ўзи банд қилиш имкони бор, деган тўхтамга келдик. Бу йигитга ўзи қизиққан хунари бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошлаш тақдифини бердик. Ҳеч иккиланмай рози бўлди. Ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда унга имтиёзли кредит ажратишга ёрдамлашдик. Бугун Сирожддин нафақат ўзини ўзи банд қилган, балки «УСТОЗ-ШОГИРД» аънасига мувофиқ, маҳалладаги ёшларга чилангарилик сир-синоатларини ўргатмоқда. Энг муҳими, уларнинг бандлигини таъминлашда муносиб хисса қўшмоқда.





**ДОҲАДА**  
“Ўзбекистон  
маданияти,  
хунармандчилиги  
ва туризми кунлари”  
бўлиб ўтди.



**Автомобилни  
бошқаришга яроқлилиги  
тўғрисидаги 083/х  
шаклдаги ТИББИЙ  
МАЪЛУМОТНОМАНИ  
онлайн олиш мумкин.**



**“Юнусобод” ва  
“Ер усти ҳалқа йўли  
йўналишлари”да  
ЯНГИ МЕТРО ВАГОНЛАРИ  
йўлга қўйилади.**

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

# Олтинсойлик тадбиркорга қандай имтиёзлар бор?

**Дилноза ОЛЛОЁРОВА,**  
Сурхондарё вилояти  
солиқ бошқармаси  
Жамоатчилик билан алоқалар  
шўбаси бошлиғи.

**Солиқ ходимларининг  
“маҳалла еттилиги”  
таркибига киритилиши  
ва “маҳаллабай” ишлаш  
тизимининг йўлга  
қўйилиши натижасида  
солиқ тўловчилар сони  
ҳамда солиқларни  
ихтиёрий тўлаш  
кўрсаткичлари мунтазам  
ортиб бормоқда.**



**Олтинсой  
туманидаги  
54 та маҳаллага  
16 нафар  
солиқ ходими  
бириктирилган.**

**2024 йил  
январь ойида  
тумандаги солиқ  
тўловчилар  
томонида  
1 млрд.  
867,5 млн. сўм  
солиқ тўланиб,  
белгиланган  
кўрсаткич  
режаси  
116,7 фоизга  
бажарилди.**

2022 йил Сурхондарё вилоятида юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ мажбуриятларининг ихтиёрий бажарилиши 95 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йил якунига кўра, вилоятда белгиланган прогноз режаси 163,4 млрд. сўм ортиғи билан бажарилиб, 2022 йилга нисбатан 115,7 фоизга ўсишга эришилди.



Бунда, албатта, солиқ ходимларининг маҳаллалар кесимида олиб бораётган хатлов, тарғибот ва тушунтириш ишларининг аҳамияти катта. Хусусан, Сурхондарё вилоятидаги 724 та маҳаллага бириктирилган 265 нафар солиқ ходими хатлов жараёнларида 3 741 та бўш турган бино, 11 728 та бўш турган ер участкасини аниқлаб, улардан самарали фойдаланиш чоралари кўрилди. Натижада 5 912 та янги иш ўрни яратилиб, ўзини ўзи банд қилган 670 нафар шахсга кичик бизнес тоифасига ўтишда кўмаклашилди. Шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган 3 196 нафар фуқаронинг фаолияти қонунийлаштирилди.

Солиқлар йиғилувчанлиги ҳамда тадбиркорлар товар айланмасининг ортиши, норасмий ишлаётган ходимлар фаолиятининг

**солиқ инспектори Шамсиддин Юнусов**нинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари 2023 йил якуни билан 100 фоизни, жорий йилнинг январь ойида эса 97,8 фоизни ташкил этди.

— Менга бириктирилган 3 та маҳаллада 100 га яқин тадбиркор, 74 та деҳқон ва фермер хўжалиги, 461 нафар ўзини ўзи банд қилган фуқаро, 1 961 нафар ер солиғи ва 1 948 нафар мол-мулк солиғи тўловчилари бор, — дейди Шамсиддин Юнусов. — Солиқ тўловчилар билан доимий мулоқотдаман. Манзили ишлар давомида мол-мулк ва ер солиғини белгиланган муддатларда тўлаш, кадастр ҳужжатларига киритилмаган ер майдонларини қонунийлаштириш



лозимлиги айтилиб, яқиндан кўмаклашилмоқда. Аҳолининг асосий мурожаатлари ер ва мол-мулк солиғидан имтиёзлар билан боғлиқ бўлгани учун кимларга ва қай тарзда солиқ имтиёзлари қўлланилиши тўғрисида тушунтириш беряпмиз. Президентнинг 2022 йил 30 декабрдаги “Республика худудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини



легаллаштирилиши каби омиллар ҳудуддаги солиқ инспекторларининг самарали фаолиятдан далолатдир. Бунда солиқ ходимларининг иш самарадорлигини белгилловчи “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизими муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг январь ойида вилоятдаги маҳаллаларга бириктирилган 94 нафар солиқ ходимларининг КРП кўрсаткичлари 90 ва ундан юқори балларни ташкил этди ва улар белгиланган тартибда рағбатлантирилди. Жумладан, **Олтинсой туманидаги Алибой Бутаев, Бибизайнаб номидаги ҳамда “Боташ” маҳаллалари**

жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан **Олтинсой тумани ихтисослашuvi ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шартитдан келиб чиқиб, 5-тоифага киритилди** ва туманида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига **2026 йилнинг 1 январига қадар қўллаб солиқ имтиёзлари берилди.** Жумладан,

— тадбиркорлар фойда солиғи, айланмадан олиннадиган солиқ ва ихтимой солиқни 1 фоиз;  
— юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олиннадиган ер солиғини мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдоридagi солиқ ставкалари бўйича тўлашмоқда.

Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар **2026 йилнинг 1 январига қадар жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинган.** Шу боис “солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорларга берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, самарали фаолият юритишлари ва солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажаришларини тушунтириб келяпман. Фаолиятлари билан боғлиқ муаммоларига биргаликда ечим изляяпмиз. Бунга жавобан тадбиркорлар солиқларни ўз вақтида тўлашга ҳаракат қилапти. Натижада белгиланган кўрсаткич режаларини тўлиқ бажаряпмиз.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

## Ижара тўловларининг минимал ставкалари белгиланди

Солиқ солиш мақсадида ҳар йили ижара тўловининг энг кам ставкалари белгиланади. Солиқ ҳисоблаш учун ижарага олувчининг ҳар ойлик тўланадиган суммаси ушбу белгиланган миқдордан паст бўлмаслиги лозим.

Аввал бундай ставкалар фақат мулкни ижарага берувчи жисмоний шахсларга қўлланилган бўлса, **жорий йилдан бошлаб ойлик ижара тўловлари юридик шахслар учун ҳам татбиқ этилди.**

Масалан, Тошкент шаҳрида 1 кв.м турар-жой майдони учун минимал ижара тўлови 25 минг сўм. Агар 50 кв.м квартира ижарага олинса, солиқ ҳисоблаш учун ижарага олувчи томонидан ойига тўланадиган сумма камида 1 250 000 сўм (25 000 x 50) бўлиши керак. Шартнома бўйича жисмоний шахсининг ижара тўлови миқдори ушбу суммадан кам бўлса ҳам, ҳар ой учун 1,25 млн. сўмдан 12 фоиз даромад солиғи ҳисобланади (1,25 млн. x 12% = 150 000).

Агар юридик шахс Тошкент шаҳрида 100 кв.м бўлган нотурар жойни ижарага олган бўлса, солиқ солиш мақсадида ойлик ижара тўлови ойига камида 4 млн. сўм бўлиши керак.

Белгиланган минимал ставкалар кўчмас мулкдан текин фойдаланиш тўғрисидаги шартномаларга ҳам тегишли. Фақат яқин қариндошлар ўртасидаги шартномалар бундан мустасно.

ЯНГИЛИК

## Жариманинг 98 фоизи ҳисобдан чиқарилади



Солиқ кодексининг 227 прим 1-моддасига асосан, қўлланилган жарима суммасининг 98 фоизи ҳисобдан чиқарилади. Бу ҳақда Президентнинг 2024 йил 26 февралдаги “Солиққа оид айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини мақбуллаштириш тўғрисида”ги фармонида қайд этилган. Унга кўра:

— Фискал тартиб-қоидаларга оид ҳуқуқбузарликлар биринчи марта содир этилганда – реализация амалга оширилган охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 2 фоизи (аввал 100 фоиз);  
— бир йил давомида такрор содир этилганда – реализация амалга оширилган охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур Фармон кучга киргунга қадар фискал тартиб-қоидаларга оид ҳуқуқбузарликлар (227 прим 1-модда) учун қўлланилган молиявий жарималар бўйича мавжуд қарздорликнинг 98 фоизи ҳисобдан чиқарилади ва қарздорликни ундириш билан боғлиқ суд ва ижро ишлари тугатилди.

Ундирилган жарима суммаларининг 98 фоизи келгуси тўловлар ҳисобига тадбиркорлик субъектларига қайтарилади.

**Даврон ҲОШИМОВ,**  
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

ҚУЛАЙЛИК

# Сиз харид қилган маҳсулот ҳақиқийми?

**Маҳсулотларни ноқонуний олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатларининг олдини олиш, алоҳида турдаги маҳсулотларнинг қонуний айланмасини таъминлаш мақсадида республикамизда 2021 йилдан бошлаб товарлар басқичма-басқич рақамли маркировкаланмоқда.**



Бугунги кунда куйидаги маҳсулотлар рақамли маркировкаланган ҳолда сотилиши лозим:

- тамаки ва алкоғол маҳсулотлари;
- пиво;
- маиший техника;
- дори воситалари ва тиббий буюмлар.

Ушбу маҳсулотларни харид қилишда маркировкаланганига алоҳида эътибор беринг ва уни **Soliq мобил иловаси орқали текширишни унутманг.** Бу қалбаки ва сифатсиз товарларга алданиб қолишингизнинг олдини олади.

Маркировкани текшириш учун **Soliq мобил иловасининг “Умумий хизматлар” бўлимидан “Маркировкани текшириш”** танланади. Очилган ойна пастки қисмидан **“Датаматрих-ни сканерлаш”** тугмаси босилади ва

камера маҳсулотдаги маркировка кодага йўналтирилади.

**Агар маркировка коди ҳақиқий бўлса:**

- “Код ҳақиқий” ёзуви;
- Маҳсулот номи;
- Маҳсулот ҳолати (ишлаб чиқарилгани, сотувдалиги ёки сотилганлиги);
- Қайси корхона томонидан қачон ишлаб чиқарилгани;
- Улгуржи савдо корхонаси қачон сотиб олгани;
- истеъмолчиға қайси корхона томонидан қачон сотилгани тўғрисидаги маълумотлар экранда пайдо бўлади.

**“Маҳсулот тавсифи”** бўлими орқали товар ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин.

**“Код ҳақиқий эмас”** ёзуви маркировканинг сохталлигини билдиради.

**Маркировкани текшириш учун Soliq мобил иловасининг “Умумий хизматлар” бўлимидан “Маркировкани текшириш” танланади.**



Юқоридаги маҳсулотларда маркировка мавжуд бўлмаса ёки сохта маркировкаланган бўлса **Soliq** мобил иловасининг “Солиқ ҳамкор” бўлими орқали мурожаат қолдиринг.

Рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи махсус қурилмалардан (2D-сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги махсус қурилмалар) фойдаланиши лозим.

**Унутманг, маркировка қоидаларни бузиш Солиқ кодексининг 227-1-моддасига асосан, жавобгарликка сабаб бўлади.**





Ўзбекистон делегацияси Истанбулда дунёнинг етакчи "АҚЛ МАРКАЗЛАРИ" билан мулоқот ўтказди.



2023 йил якунларига кўра, Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6 ФОИЗГА ошди.



Солиқ кодексига кўзда тутилган жарима миқдори соф тушумнинг 100 ФОИЗДАН 2 ФОИЗИГА камайтирилди.

Ушбу масканларнинг ташкил этилиши маҳаллаларда жиноятни камайтириш, криминоген вазиятни яхшилаш, ҳудуд осойишталиги йўлида фуқароларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.



КУЛАЙЛИК

# Жамоат ҳаракати электрон кузатувда бўлади

“ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ МАСКАНЛАРИ” ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИБ, “ЭЛЕКТРОН КУЗАТУВ МАСКАНЛАРИ”ГА ЎЗГАРТИРИЛМОҚДА

Наманган вилояти ИИБ Ахборот хизмати.

Бугунги кунда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига замонавий технологиялар кенг жалб этиб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, ҳудудларда тинчлик, осойишталик, хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг мулкига бўлган тажовузларнинг олдини олиш мақсадида барпо этилган “Жамоатчилик назорати масканлари” янада такомиллаштирилиб, “Электрон кузатув масканлари”га ўзгартирилмоқда. Мазкур электрон кузатув масканларининг алоҳида эътиборга молик жиҳати ҳудудни та-

“**Ҳозирга келиб 259 та маҳаллада янги, замонавий электрон кузатув масканлари фаолияти йўлга қўйилди.**”

свирга тушириш ва кузатиш учун IP-технологияларига асосланган видео-кузатув мосламалари ва видео-кузатиш дастурий техник воситалари билан жиҳозлангани ҳамда уларнинг интеграция қилинганлиги. Ушбу қулайлик вазиятни доимий назорат қилиб бориш ва видео тасвирлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқда. Бугунги кунда Наманган вилоятида мавжуд 788 та маҳаллада 449 та жамоатчилик назорат масканлари ташкил этилган бўлиб, ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда

улар босқичма-босқич электрон кузатув масканларига ўзгартирилмоқда. Ҳозирга келиб 259 та маҳаллада янги, замонавий электрон кузатув масканлари фаолияти йўлга қўйилган. Шу кунларда бошқа маҳаллаларда ҳам ушбу қарор талабларининг ижро жараёни кетмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу масканларнинг ташкил этилиши маҳаллаларда жиноятни камайтириш, криминоген вазиятни яхшилаш, ҳудуд осойишталиги йўлида фуқароларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

## ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

# ҲАР ЛАҲЗАДА ҲУШЁРЛИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Ойбек РАҲИМОВ, Ҳазорасп туманидаги “Боғдор” маҳалласи профилактика катта инспектори.

Бугунги профилактика инспекторларининг бош мақсади, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини тўлақонли ва самарали жорий этиш, аҳоли осойишталигини таъминлаш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришдир. “Маҳалла еттилиги” ва фаол фуқаролар билан биргаликда ҳудуд осойишталигини таъминлашнинг асосий йўли бўлиб қолмоқда. 2022 йил 18 та жиноятчилик қайд этилган бўлса, 2023 йил 11 та ҳуқуқбузарлик рўйхатга олинган. Уларнинг 7 таси ўғрилиқ,

2 таси тан жароҳати етказишдир. Шунингдек, икки нафар фуқаронинг томорқасига гиёҳванд моддалар ўсимлигини эккани аниқланди. Хавфсизликни таъминлаш ҳар лаҳзада ҳушёрликни талаб этади. Фаолиятимизни янада самарали ташкил этиш учун 8 нафар патруль-пост, 4 нафар миллий гвардия ходимлари ҳамда бир нафар профилактика инспектори бириктирилган. Қўшимча равишда ҳудуднинг турли нукталарига 1 123 та кузатув камералари ўрнатилган. Шундан тўрттаси ўрнатилган. Шундан тўрттаси ўрнатилган юзидан қилмигини таниб олувчи камералардир. Кузатув камераларининг 72 таси профилактика инспектори хонасига интеграция қилинган. Қолгани 5-сонли ҳуқуқ-тартибот масканидаги вазиятлар марказига интеграция қилинмоқда. Бу ерда доим бири киши камералар кузатуви ёрдамида ҳудуддаги вазиятдан хабардор бўлиб туради.

Замонавий профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар оқибати билан эмас, балки уни содир этилишини олдини олиш билан курашишни асосий фаолият йўналиши сифатида эътироф этиши ло-



Ҳазорасп туманидаги “Боғдор” маҳалласи профилактика катта инспектори, подполковник Ойбек Раҳимов “Намунали маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари” кўрик-танловининг Ҳоразм вилояти босқичида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олди.

зим. Шу сабаб “Пайшанба – профилактика кун”ида мактаб ўқувчилари, аҳоли ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича турли мавзуларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. 48-умумтаълим мактабида ўқувчилар давомати назоратга олиниб, доимий кузатувлар олиб борилмоқда. Қувонарлиси, шу вақтга қадар мунтазам дарс қолдирувчи ўқувчилар аниқланмади.

Вояга етмаганлар бўйича мунтазам ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили туну кун ишлайдиган “Мунис” кафега тунги вақтда бир нафар вояга етмаган бола киритилгани учун кафе эгасига ҳам, боланинг ота-онасига ҳам маъмурий жавобгарлик қўлланилган. Яқинда бозорга келган харидорнинг қўл сумкасини ўғирлаган фуқаро кузатув камералар ёрдамида ушланиб, ўғриликнинг олди олинди. Фаолиятимиз давомида бундай мисоллар кўп бўлади.

Энг муҳими, халқимиз тинч ва осуда ҳаёт кечириши учун профилактика инспекторларига ишончи ошди. Ўзининг хавфсизлиги кафолатини профилактика инспектори тимсолида кўрмоқда.

ҲУҚУҚ

## Буллинг ўзи нима? Эксплуатациячи?

Болалар тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритилади.

Кўриб келишимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда концептуал қабул қилинган “Болаларни зўравонликларнинг барча шаклларида химоя қилиш тўғрисида”ги қонунда буллинг, эксплуатация, ғамхўрлик кўрсатмаслик болага нисбатан зўравонлик шакллари сифатида эътироф этилмоқда.

**Ҳўш, буллинг ўзи нима? Эксплуатациячи?** Қатор халқаро ҳужжатларга кўра, буллинг – боланинг бошқа болага мақсадли равишда зарар етказишидир. Бу мунтазам равишда такрорланадиган ва жабрланувчида унга нисбатан зўравонликни тўхтатишга тўсқинлик қиладиган кучнинг номутаносиблигидаги ҳаракат.

Буллинг ҳар қандай жойда ва ўсталган вақтда содир бўлиши мумкин: боланинг кундалик ҳаётида, бевосита муносабатларда ёки ижтимоий тармоқларда. Бу нафақат боланинг диққатини таълимда жамлашига тўсқинлик қилади, балки узоқ муддатли психологик жароҳатларга ҳам олиб келиши мумкин. Буллинг жараёни эътибордан четда қўлиб кетиши керак эмас.

**Эксплуатация** – бу боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шаклдаги меҳнатга мажбурлаш;

**Ғамхўрлик кўрсатмаслик** – ота-оналар зарур имкониятлар, билим ва кўникмалар, шунингдек, тегишли хизматлардан фойдаланиш шароитига эга бўлишига қарамай, қармоғидаги боланинг соғлиғи, жисмоний, ақлий, маънавий ва ахлоқий ривожланишининг жиддий бузилишига олиб келиши мумкин бўлган жисмоний, моддий, психологик, ижтимоий ва бошқа эҳтиёжларини қондирмаслик.

Болалар омбудсмани.

ЎРГАНИШ

## Ҳар бир ҳудуд жиноятдан холи бўлиши керак



Президент Администрациясининг ишчи гуруҳи Наманган вилоятида ўрганиш ишлари якуни юзасидан муҳокама йиғилишини ўтказди.

Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Бекмурод Абдуллаев ва вилоят ИИБ бошлиғи полковник Шўҳрат Алиев раҳбарлигида ўтказилган муҳокама йиғилишида ИИБ масъуллари, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосарлари, соҳа хизмат раҳбарлари ва барча шаҳар-туман профилактика инспекторлари иштирок этди.

Дастлаб, вазири ўринбосари ҳозирги кунда ички ишлар органлари ходимлари учун яратилган шарт-шароитлар ва берилган имкониятлар тўғрисида сўз юритди. Бироқ шунга қарамай, жорий йилнинг 22-25 февраль кунлари ишчи гуруҳ ўтказган комплекс ўрганиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш ишлари давомида аниқланган бир қатор камчиликлар кескин танқид қилинди.

Муҳокамада ўтган давр мобайнида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, айниқса, ёшлар жиноятчилиги ҳамда ижтимоий профилактика йўналиши бўйича камчиликларга йўл қўйган ходимларга интизомий таъсир чоралари кўриш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек, келгусида маҳаллаларни жиноятдан холи ҳудудга айлантириш, аҳоли муаммоларини доим ўрганиш орқали уларга самарали ечим топиш, “маҳалла—оила—мактаб” ҳамкорлигини кучайтириш, вилоят автомобиль йўллари инфратузилмасини яхшилаш, Пробация назоратидаги шахслар билан манзилли ишлар ташкил этиш, соҳани рақамлаштириш ва замонавий технологияларни жорий қилиш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича масъулларга аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ўрганиш якунлари бўйича етарлича билим ва тажрибага эга бўлмаган ҳамда паст кўрсаткич кўрсатган ходимлар аттестация натижаларига кўра ички ишлар органлари сафидан бўшатилди. Хизмат фаолияти давомида ижобий иш натижаларга эришиб, ҳамкасбларига алоҳида намуна бўлган бир гуруҳ ходимлар Вазирлик ташаккурномаси ва қимматбахо совғалари билан тақдирланди.



ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти Ахборот хизмати.





Коррупцияга қарши курашиш агентлиги БМТ тузилмаси билан ХАМКОРЛИК БИТИМИНИ тузди.



Ўтган йилда Ўзбекистонда 2,8 МИЛЛИОН ТОННА гўшт етиштирилган.



Энди АТТО карталаридан ШАҲАРЛАРАРО ЭЛЕКТРОПОЕЗДЛАРДА фойдаланса бўлади.

# ИСТЕЪМОЛЧИ ВА ТАЪМИНОТЧИ ЎРТАСИДА ИШОНЧЛИ КЎПРИК

Нархнинг сунъий оширилишига йўл қўйилмайди

Азиз МАШРАБОВ, журналист.

Сурхондарё вилоятида суюлтирилган газ истеъмолчилари учун ID-карталар жорий этилганига қарийб уч йил бўлди. Бу янги тизим "E-Gaz" онлайн иловасига улангач, таъминотчи учун ҳам, миждоз учун ҳам қатор қулайлик яратди. Бунда барча маълумотлар ID-картада жойланган бўлиб, истеъмолчининг охириги марта қачон газ баллони билан таъминлангани кўришиб туради. Истеъмолчи бир ой тўлмай, янги газ баллони олиш имкониятига эга бўлмайди. Битта хўжаликка фақат бир дона газ баллонини берилди. Нархнинг сунъий оширилишига йўл қўйилмайди.

Янги тизимда аҳолига газ баллони тарқатадиган ходимлар кўр-

сатадиган хизмат ҳажми ва сифатига қараб, иш ҳақи белгиланган тартиби жорий этилган. Бу жараён махсус база орқали назорат қилиб турилади. Мутахассисларнинг фикрича, кейинги йилларда газ таъминотида юз берган ўзгаришлар истеъмолчилар ишончини оқлашда ўз самарасини бермоқда. Хусусан, соҳага рақамли иқтисодиётнинг кириб келиши шаффофликни таъминлади. Худудларда аҳолига газ тарқатадиган масъул шахсларнинг таъминот харидаи учун истеъмолчидан нақд пул қабул қилишига чек қўйилди.

Автоматлаштирилган тизим жорий этилгунча 20 килограмм углеводородли суюлтирилган битта газ баллони харидаи учун 22 400 сўм тўланиши керак бўлса, аксарият истеъмолчилар ходим қўлига камда 23 минг сўм тутқазган. Ходимнинг 600 сўм қайтаришига тўғри келган.

**Кўп ҳолларда бу қайтим бўлмагани ходим ва истеъмолчи ўртасида турли тушунмовчиликларни юзага келтириб, аҳолининг тизимга ишончини сусайтирган.**

Эндиликда истеъмолчи газ баллони олганида, унинг ҳисобидан 22 400 сўм пул ечиб олинади. Истеъмолчининг телефон рақамига харидаи маълумоти ҳақида SMS-хабарнома келади.

Вилоятда алоқа хизмати яхши бўлмаган ўн бешдан ортқ маҳалла ва қишлоқ бор. Бироқ бу янги тизимни алоқа сифати яхши бўлмаган худудларда жорий этишнинг иложи

йўқ, дегани эмас. Аҳоли "E-Gaz" тизимини фаоллаштиришда "off-line" тартибидан фойдаланади. Масалан, Сарийосиё туманидаги "Кундаижувоз", "Маланд", "Чош", "Хонжиза", Бойсун туманидаги "Мачай", "Қизилнавр", "Ўрмончи", "Хўжайдод", Узун туманидаги "Терак", "Анорбулоқ", "Хўжакурсин", "Боботоғ", "Томчи", Шерободдаги "Зарабоғ", "Қизил-олма", "Чорбоғ", "Вандоб" сингари маҳалларда "E-Gaz" тизимини фаоллаштириш "of-line" тартибда йўлга қўйилган. Бу ҳолатда истеъмолчи етказилган газ баллони учун карта орқали ҳисоб-китобни амалга оширади. Лекин миждоздан қабул қилинган маблағ мазкур худудда базада кўринмайди. Газ ходимлари алоқа мавжуд бўлган жойга чиққач, "E-Gaz" тизими хотирасида сақланган маблағ базада кўришиб, тўлов тасдиқланади.

Сирасини айтганда, бугун рақамли иқтисодиёт, автоматлаштирилган тизим истеъмолчи ва таъминотчи ўртасида ишончли кўприк вазифасини бажараётир.



ХУДУДЛАРДА АҲОЛИГА ГАЗ ТАРҚАТАДИГАН МАСЪУЛ ШАХСЛАРНИНГ ТАЪМИНОТ ХАРИДИ УЧУН ИСТЕЪМОЛЧИДАН НАҚД ПУЛ ҚАБУЛ ҚИЛИШИГА ЧЕК ҚўЙИЛДИ.

## ЭЪТИБОР



Ногиронлиги бўла туриб, қайсидир соҳада банд бўлган, яхши ютуқларга эришаётган инсонларни атрофдагиларга кўпроқ намуна сифатида кўрсатишимиз керак.



# Имконият ҳеч қачон чекланмаган, ҳатто ногиронга ҳам...

Сора РАЖАБОВА, Ҳазорасп туманидаги "Шовот" маҳалласи раиси.

Кимгадир кўмак бериш, кўнглига йўл топишнинг завқи ўзгача. Ўзингиз унга қўшилиб қувонасиз, мушкулни осон қилганингиздан қалбингиз хотиржамлик туйди. Ҳар сафар маҳалламиздаги 32 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олгани борар эканман, яна қандай ёрдам қилсам бўлади, деган саволни ўзимга қайта-қайта бераверман...

Бугун юртимизда ногиронлиги бўлган инсонларнинг ижтимоийлашуви, жамиятнинг фаол аъзосига айланиши учун алоҳида эътибор қаратилади. Ҳақиқатан, улар билан суҳбатлашиб, қизиқишларини ўрганиш жараёнида имкониятлари нақадар

кенг эканига гувоҳ бўляпмиз. Фақатгина уни тўғри йўналтириш керак, холос.

Шу маънода ўтган йили худуддаги 7 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож кишининг доимий бандлиги таъминланди. 5 та оилага хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, деҳқончилик қилиши учун 30 сотихдан ер ажратилди. Ишга яроқли бўлган оила вакиллари ёз бўйи меҳнат қилиб, картошка етиштирди. Даромади ёмон бўлмади. Ҳозир барқ уриб униб чиққан буғдойларни сугоришяпти. Қилаётган ишининг самарасини кўриб, ғайрати янада жўшиб боряпти.

Қолаверса, ишсиз аёлларга тикув машинаси олиб бердик. Мисол учун, улардан бири болаликдан ногиронлиги бор Ҳаётхон Эшэзова. Бекорчилик одами жуда зериктириб юборди. Шунинг учун бирор иш билан шуғулланиши ният қилиб, маҳаллага чиққан экан. Бу қизнинг меҳнат қилиши иштиёқи жуда баланд. Дастлаб маҳаллада Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган касб-хунарга

ўқитиш курсининг тикувчилик йўналишини тамомлаб, сертификат олди. Энди субсидия асосида олинган сўнгги русумдаги тикув машинасида чеварчилик қилиб, вақтини мазмунли ўтказаяпти, оиласига қўшимча даромад олиб қиряпти.

Шу кунга қадар мазкур курсларда 140 нафар хотин-қиз ҳамда 11 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро мактабгача таълим, қандолатчилик, аёллар сартароши ва тикувчилик каби соҳаларда билим ва кўникмаларга эга бўлди.

Маҳалладошимиз Дурунбой Ўринбоев 1-гурух ногирони бўлгани ва ҳаракат қилиш имконияти чеклангани боис унга махсус аравача совға қилдик. Ўқиб-ўрганишга иштиёқи баландлигини ҳисобга олиб, компьютер олиб бердик. Ҳозир онасининг кўмагида ўқиб, ёзишни машқ қияпти. Худди шундай, 2-гурух ногирони Сардорбек Жуманиёзов ва унинг турмуш ўртоғи 1-гурух ногирони Феруза Олланазарова иш масаласида мурожаат қилганди. Ҳар

иккиси мусиқа коллежини тугатгани боис маҳалла кўмагида уларни 15-мактабгача таълим ташкилотига ишга жойлаштирдик. Ҳозир топаётган даромади орқали 4 нафар фарзандининг кам-кўстини бутляпти. Қолаверса, кредит асосида автомашина олишди.

Баъзи инсонлар кичик тухфа ёки арзимас ёрдамдан боши кўкка етгудек хурсанд бўлади. Шундайларга яна ва яна яхшилик қилгингиз келаверади. Зеро, бугун юртимизда бунинг учун барча шарт-шароит ҳамда имкониятлар етарли.

Таклифим, маҳалладаги ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролар билан фақатгина ижтимоий ходим эмас, балки "еттилик" ҳамкорликда ишлаши керак. Шунда натижалар бундан-да яхши бўлади. Қолаверса, ногиронлиги бўла туриб, қайсидир соҳада банд бўлган, яхши ютуқларга эришаётган инсонларни атрофдагиларга кўпроқ намуна сифатида кўрсатишимиз керак.

**Улар билан суҳбатлашиб, қизиқишларини ўрганиш жараёнида имкониятлари нақадар кенг эканига гувоҳ бўляпмиз. Фақатгина уни тўғри йўналтириш керак, холос.**

## ПРОТЕЗ МОСЛАМАЛАРИ ВАУЧЕР АСОСИДА БЕРИЛАДИ

ЯНГИЛИК

Президентнинг "Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, 2024 йил 1 майгача давлат кафолатланган тарзда таъминлайдиган протез-ортопедия мосламалари ва

реабилитация қилишнинг техник воситалари турлари 18 тадан 30 тага кенгайтирилади.

2024 йил 1 майдан:

- протез мосламалари ва реабилитация воситалари харидаи учун давлат томонидан муҳтож шахсларга қоплаб бериладиган маблағлар миқдорини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, ўртача 3 бараваргача, айрим воситаларнинг турлари 10 бараваргача оширилади;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг протез мосламалари ва



Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари турлари 18 тадан 30 тага кенгайтирилади.

реабилитация воситаларига муҳтожлиги алоҳида тиббий хулоса расмийлаштирмасдан ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома асосида белгиланади;

- ногиронлик гуруҳига эга бўлмаган пенсия ёшидаги шахсларнинг протез мосламалари ва реабилитация воситаларига муҳтожлиги тўғрисидаги тиббий хулоса "Тиббий-ижтимоий экспертиза" электрон ахборот тизимини расмийлаштирилади.

2024 йил 1 майгача Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида, 2024 йил 1 октябргача республиканинг бошқа барча худудларида муҳтож шахсларни протез мосламалари ва реабилитация воситалари билан ваучер асосида таъминлаш тартиби жорий этилади.

ЭЪЛОН

.....

**Акциядорлик инновация тижорат «Ипак йўли» банки «Янгийўл» филиалига тегишли 2016 йил ишлаб чиқарилган CHEVROLET NEXIA SONC рўсумли автотранспорт воситаси сотилади. Ҳолати яхши, ранги — оқ, юрган масофаси — 280 000 км. Мурожаат учун телефон рақамлари: +998 78 148-10-12, + 998 97 745-65-35.**





**НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ** дунё шахмат рейтингда ТОП-10 ликка кирган илк ўзбекистонлик шахматчи бўлди.



**Ўзбекистонлик боксчилар Россияда 7 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритиб, УМУЖАМОА ҲИСОБИДА БИРИНЧИ бўлди.**



**ШАҲРАМ ФИЁСОВ** мексикалик Пабло Сезар Канони мағлуб этиб, WBA камари учун мажбурий даъвогарга айланди.

ТАДҚИҚОТ

# Аёлни ардоқланг, ҳеч азоб берманг...



**Хуршида САЙДИВАЛИЕВА,** "Оила ва гендер" илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи.

Мамлакатимизда 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун аёлларни турмушда, ишда, таълим муассасаларида ва бошқа жойларда тазйик ҳамда зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

2023 йилдаги яна бир қонунга биноан, оилавий (маиший) зўравонлик учун жавобгарлик белгиланди. Унга кўра, хотинига (эрига), собик хотинига (собик эрига), бир рўзғорда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга шахсга нисбатан мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкга ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таъжирлаш, қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш ҳолатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, БҲМнинг 20 бараваридан 30 бараваригача жарима ёки 160 соатдан 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима учун қонунчиликка "оилавий зўравонлик" тушунчаси киритилди? Бунга қандай зарурат бор эди?

Оилавий зўравонлик жамиятда кенг тарқалган, қийин ҳолат ва мураккаб муаммолардан биридир. Унинг салбий оқибатлари шахслар учун, бутун жамият учун жиддий хавф демекдир. Масалага ўз вақтида жиддий чора кўрилмаса, эртага у чуқур илдиқ отиб, бундан-да аянчли ҳолатларни юзага келтириши аниқ.



Оилавий зўравонлик масалалари бўйича психологларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларини жорий этиш зарур.

Ҳар қандай соҳанинг муаммо ва камчиликларини аниқлашда уни келтириб чиқарувчи сабаб ҳамда омилини илмий ўрганиш муҳим. Шу мақсадда айни мавзу юзасидан "Оила ва гендер" илмий-тадқиқот институти социологик тадқиқотлар олиб бормоқда. Хусусан, 2022 йил декабрь ҳамда 2023 йил январь ойларида республиканинг етти та худуди – Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Андижон, Навоий, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларида тазйик ва зўравонликка дуч келган 183 нафар хотин-қиз ўртасида сўровнома ўтказилди.

Дастлаб аёлларга "Турмуш ўртоғингиз сизга нисбатан зўравонлик ва тазйик ўтказган бўлса, бунинг сабаби нимада?" деган савол билан мулоқот этилди. Иштирокчиларнинг деярли ҳар туртинчиси (23,1 фоиз) эрига гап кайтаргани учун шундай бўлди, деб

**Оилавий зўравонликда нафақат аёл жабр кўради, балки оиланинг барча аъзолари "иккинчи даражали жабрланувчи"га айланади. Айниқса, онага шафқатсизлик қилаётган отани кўрган болаларда оғир руҳий тушкунлик юзага келади.**

ҳисоблашган, аксарияти (9,7 фоиз) руҳсатсиз, ўзбошимчалик билан иш қилганини сабаб сифатида кўрсатган, айримлари эрининг спиритли ичимлик истеъмол қилишини келтирган бўлса, баъзи иштирокчилар (8,1 фоиз) уй-рўзғор ишларини ўз вақтида бажармагани ва рашк (8,1 фоиз) каби жавобларни келтирган. Кўриниб турибдики, юзага келётган зўравонлик ҳолатини аёл ўз

айби деб қабул қилмоқда.

Тадқиқот давомида тазйик ва зўравонлик содир этишда зўравон ким экани бўйича респондентларнинг фикри ўрганилди. Натижалар шунини кўрсатдики, ҳар учинчи аёл (33,3 фоиз) "менга нисбатан турмуш ўртоғим зўравонлик содир этади", деган фикрни билдирган. 26,2 фоиз сўров иштирокчиси қайнонаси, 14,4 фоизи қайнонаси ва 7,1 фоизи қайнонасининг унга нисбатан зўравонлик содир этганини таъкидлаган. Қолган респондентлар турлича жавобларни келтиришган.

Оилавий зўравонликда нафақат аёл жабр кўради, балки оиланинг барча аъзолари "иккинчи даражали жабрланувчи"га айланади. Айниқса, онага шафқатсизлик қилаётган отани кўрган болаларда оғир руҳий тушкунлик юзага келади. Шунинг учун ушбу иллатга

қарши курашишда жамиятнинг барча аъзолари бир ёқадан бош чиқариб, фаол равишда қарши чиқиши ҳамда атрофида бўлаётган бундай ҳолатларга бефарқ бўлмаслиги лозим.

Муаммони бартараф қилиш учун оилавий зўравонлик масалалари бўйича психологларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларини жорий этиш зарур. Зўравонлик содир этган шахслар билан тузатиш ишларини олиб боришга алоҳида эътибор бериш, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, улар билан ишлаш дастурларини такомиллаштириш керак. Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали оиладаги зўравонликнинг олдини олишга қаратилган маърифий тадқиқотларни кучайтириш, чэлленж, флешмобларни ташкил этиш яхши самара беради.

МАНЗАРА

## “Маҳалладошлар ҳаётига бевосита дахлдормиз”

**Дилхуша МАМАДАЛИЕВА,** Фарғона шаҳридаги "Маърифат" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Ҳар тонг оила аъзоларим учун нонушта тайёрлар эканман, ҳаёлим кун бўйи қилишим керак бўлган ишлар билан банд бўлади. "Аёллар дафтари"га киритилган қайсидир фуқарога моддий ёрдам кўрсатиш керак, яна биттасини ишга жойлаш бўйича тadbиркорга учрашиш зарур...

Шу таразда ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш мақсадида зиммадаги вазифаларни ўйлаб юришга ўрганиб қолганман. Бу усулнинг амалиётда фойдаси катта. Аниқ режалар тузиш билан бажариладиган ишнинг ярмини битириб қўйгандек ҳис қилман ўзимни.

Ҳозир хотин-қизлар билан ишлаш тизими бир поғона юқорилган. Уларни кўпроқ тadbиркорликка жалб этиш, жамиятнинг фаол аъзосига ай-

лантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда уйда ўтирган ёки бандлиги таъминланмаган хотин-қизларнинг 7 нафарига субсидия асосида тикув машиналари олиб бердик. Улар буюртма асосида кийим-кечак, жойнамош, парда, ётоқ тўпламлари тикиб, яхшигина даромад топтомоқда.

Мафтуна Турғуновани ишсизлиги сабаб "Аёллар дафтари"га рўйхатга олган эдик. Тиришқок ва ҳаракатчанлиги билан берилган маслаҳат ва кўрсатган йўл-йўриқлардан унумли фойдаланди. 2022 йилда 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, оилавий тикувчилик корхонасини очди. Ҳозир 7 нафар фуқаронинг доимий бандлигини таъминлаган. Доим илганишда, янгидан-янгиларга услубдаги либосларни тикиб чарчамайди. Энг муҳими, қилаётган ишдан завқ олади.

Айни вақтда "Аёллар дафтари"га 96 нафар хотин-қизни киритганмиз. 40 нафар ишсизнинг 5 нафари олий маълумотли. Уларни ўзининг соҳаси бўйича ташкилот ва корхоналарга



**Ҳозир хотин-қизлар билан ишлаш тизими бир поғона юқорилган. Уларни кўпроқ тadbиркорликка жалб этиш, жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш муассаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

ишга жойламоқчимиз. Қолганларни қўшни маҳаллаларда фаолият олиб бораётган тикув фабрикалар билан ҳамкорликда бандлигини таъминлашни мақсад қилганмиз. Маҳалладаги оилаларнинг 80 фоизи намунали. Ортиқча гап-сўз, келишмовчилик каби салбий иллатлар умуман йўқ. Бир неча йилдан буён ажралишдан ҳоли ҳудудимиз. Бундай иллатли натижаларга эришишда 13 нафар ҳаётий тажрибаси катта бўлган оқила аёлларнинг кўмағига таяниб келяпмиз. Улар ҳар қандай масалада биз билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилади.

**Кузатувларим:** бугун маҳалла тизимида фаолият олиб бораётган ходим ўзига юклатилган вазифаларни кундалик иш деб эмас, балки бу унинг тақдир, қисмати эканини ҳис қилсагина, жамиятда ўсиш ва ривожланиш бўлади. Шу маънода барчамиз маҳалладошлар ҳаётига бевосита дахлдор эканлигини унутмаслигимиз керак. Уларнинг эришган ютуқлари ёки йўл қўядиган хатоларида бизнинг ҳам ҳиссамиз бор.

Давлат раҳбари топириқларидан келиб чиқиб, соҳа вакиллари зиммасига қатор вазифалар юклянди. Эндиликда ҳомилдорликка мутлақ ёки нисбий монелиги бўлган ва ҳомилдорлиги асорат билан кечаётганлар билан тизимдаги "Аёллар маслаҳатхонаси"да туғуруқ комплекслари шифокорларининг чуқурлаштирилган тиббий кўригидан ўтказилиб, кундалик режа асосида соғломлаштириш чоралари кўрилади.

Патронаж дояси ўз участкасидаги ҳар бир ҳомилдор аёлнинг амбулатор ва стационар шароитдаги текширув ва даволаш жараёнларини назоратга олиб, шахсан кузатиб боради.

Туғуруқ комплексларининг барча акушер-гинеколог, неонатолог, анестезиолог-реаниматологларнинг режа асосида кундалик, ҳафталик ва ойлик малака оширишлари тизимли йўлга қўйилади.

Жорий йил 1 мартга қадар туғиш ёшидаги аёлларнинг тиббий кўрик тартиби ва ҳисобот шакллари жаҳон андозаси ва замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқилади.

Кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиника акушер-гинекологлари ва дояларнинг функционал вазифалари қайта белгиланади.

Худудларга бириктирилган етакчи акушер-гинекологларнинг амалга оширадиган асосий вазифалари ишлаб чиқилади.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.**

Ўлчами – 380x587, 4 б.т. 8 380 нусхада чоп этилди. Буюртма №: F-220

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

